

## ТАДБИРЛАРГА БОЙ ДАВЛАТ ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 2-4 июль кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Давлатимиз раҳбари 2 июль куни Боку шаҳрида Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев билан самарали музокаралар ўтказди.

Олий давлатларaro кенгашнинг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон-Озарбайжон дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари ҳамда амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Ташриф доирасида ҳамкорликнинг турли йўналишлари бўйича икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами имзоланди.

Етакчилар Боку шаҳрида биргаликда «Ўзбекистон» боғига асос солдилар ва Ўзбекистон элчихонасининг янги биносини очдилар, «Sea Breeze» дам олиш маскани фаолияти билан танишдилар.

3 июль куни Ўзбекистон Президенти Озарбайжон Президенти ҳамроҳлигида Хонкенди шаҳридаги қўшма тикувчилик фабрикаси фаолияти ҳамда Ағдам шаҳридаги «Иморат» тарихий-мемориал мажмуаси билан танишди.

4 июль куни давлатимиз раҳбари Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 17-саммитида иштирок этиб, шерикликнинг устувор йўналишларини кўрсатиб ўтди ва қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Саммит доирасида Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф ва Афғонистон Бош вазири ўринбосари вазифасини бажарувчи Мулла Абдул Ғани Бародар билан икки томонлама учрашувлар бўлиб ўтди.

Куйидаги QR кодни сканер қилинг ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифи тафсилотлари билан батафсил танишинг:



Кўриноқ: Турев олган суратлар

# БИЛДИРИЛГАН ИШОНЧ ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ҲАМДИР

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Айни пайтда касаба уюшмалари тизимида ўтказилаётган ҳисобот-сайловлар қизгин паллага кирди. Жорий йилнинг февраль-апрель ойларида цех, бошланғич касаба уюш-

маси ташкилотларида, бирлашган касаба уюшмаси кўмиталарида йиғилишлар, конференциялар, май-июнь ойларида эса касаба уюшмаларининг туман, шаҳар, Қорақалпоғистон

Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўлинмаларида конференциялар ўтказилди.

Июль ойи давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси-

нинг ҳудудий кенгашларида ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтиши кўзда тутилган.

Айни пайтгача Тошкент шаҳар, Бухоро ҳамда Қашқадарё вилоятлари

кенгашларида ҳисобот-сайлов конференциялари ўтказилди.

2-САҲИФАДА  
БАТАФСIL  
ТАНИШИНГ.

## МАСАЛАЛАРГА ЖОЙИДА ЕЧИМ ИЗЛАНМОҚДА

Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда сўнгги беш йилда кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлар сони икки каррага кўпайган. Уларда 10 миллион 500 минг киши, яъни жами банд аҳолининг 74 фоизи даромад топиб, рўзғор тебратяпти.

Баҳмал туманининг «Ўрмончи» маҳалласида Жиззах вилояти прокурори Бахтиёр Иброҳимов, туман ҳокими Азиз Эргашев, вилоят ДСИ бошлиғи Бобур Исмоилов ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида ўт-



казилган сайёр қабулда ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Унда 40 нафардан зиёд тадбиркор ва фуқаролар-

нинг мурожаатлари тингланди. — Тадбиркорликни йўлга қўйиш учун банкдан имтиёзли кредит олишни режалаштир-

ган эдим, — дейди Муродбек Ҳосилов. — Ҳужжатларни жамлаб айнан қайси банкка боришни билмай турган вақтим мазкур учрашув айни муддао бўлди. Мутахассислардан керакли ҳуқуқий маслаҳат олдим. Кредит олиш масаласи бир зумда ҳал бўлди.

Сайёр қабул чоғида кўплаб тадбиркорлар ўз миннатдорликларини айтишди. Барча мурожаатлар атрофлича муҳокама этилиб, уларнинг кўпчилиги сайёр қабулда иштирок этаётган мутасадди ташкилотлар кўмагида шу ернинг ўзида ҳал қилинди. Ҳуқуқий маслаҳатлар, керакли йўл-йўриқлар берилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ  
«ISHONCH»

### САЙЁР ҚАБУЛ



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИДА КУНУ ТУН  
ФАОЛИЯТ  
КЎРСАТАДИГАН

# 1211

қисқа  
рақамли  
«Ишонч  
телефони»,  
яъни  
«Call-center»га

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТУРЛИ ҲУДУДЛАРИДА, ОЛИС ВА ЧЕНКА ҚИШЛОҚЛАРИДА ЯШАётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича ИСТАЛГАН ВАҚТДА МУРОЖААТ ҚИЛИШЛАРИ МУМКИН.

## УКРАИНА СУЯНГАН ТОҒИДАН АЙРИЛДИМИ?

3-саҳифада ўқинг...



# МУНОСИБ НОМЗОДГА ОВОЗ БЕРИЛДИ

**Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳри кенгашининг IX ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди**

Унда Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерацияси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Қудратилла Рафиқов, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Ҳайдаров, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Рустам Калонов ҳамда тармоқ касабա уюшмалари Республика кенгашлари, ҳамкор ташкилотлардан вакиллар, касабա уюшмаси ташкилотлари раислари, делегатлар иштирок этди.

Дастлаб, кун тартибидagi қатор масалалар кўриб чиқилиб, шаҳар кенгашининг 2021-2025 йиллардаги фаолияти таҳлил қилинди. Амалдаги раис Сайфулло Аҳмедовнинг маърузаси тингланди.

Қайд этилганидек, ҳисобот даврида Тошкент шаҳрида касабա уюшмалари тузилган ташкилотлар сони 598 тадан 3 минг 627 тага етди. Аъзолар сони эса 1 миллион 64 минг 614 нафарга ёки 32,2 фоизга ортиб, аини пайтда 342 минг 829 нафарни ташкил этмоқда.

Шу вақтда янги иш ўринлари ярмаркаларида 647 мингдан зиёд фуқаро қатнашиб, ишга жойлашиш истагида бўлган 154 минг нафар ишсизга турли ташкилот ва корхоналарда ишлаши учун йўлланмалар берилди. Ҳисобот даврида кенгашга 700 дан ортиқ мурожаат келиб тушган ва улар тегишли тартибда ҳал этилган. Меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан ишга тиклаш, иш ҳақини ундириш, интизомий жазо чораларини бекор қилиш ва бошқа меҳнат муносабатлари юзасидан судларда меҳнаткашларнинг ҳуқуқий ҳимоси таъминланди.

Тошкент шаҳар кенгаши давлат дастурларининг бажарилишида ҳам салмоқли вазифаларни амалга оширди. Масалан, тегишли норматив ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида 160 мингдан зиёд бола оромгоҳлари дам олди. «Ўзбекистон бунёд саъҳат қил» шiori доирасида 80 минг нафарга яқин ходим Хоразм, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида саъҳатга юборилди.



Турли байрам саналари муносабати билан кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ўзгалар парваршига муҳтож кексалар, талаба ва ўқувчиларга ижтимоий кўмак кўрсатилди.

«Аёллар дафтари» охириги йилларда касабա уюшмаларининг таширф қоғозига айланди, десак, муболага бўлмайди. Ушбу йўналишдаги ишларга ҳам кенгаш баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшди. Хусусан, 2020-2024 йилларда «Аёллар дафтари» билан ишлаш мобайнида 306 минг нафар аёлга турли даражада кўмак, 193,4 минг нафарига бир марталик моддий ёрдам берилди. Уй-жойга муҳтож 764 нафар опа-синглимиз ва-

тан ичра ўз ватанига эга бўлди. Ҳисобот-сайлов конференциясида, шунингдек, тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди. Муҳокамалардан сўнг делегатлар кенгашининг ўтган даврдаги фаолиятини қониқарли, деб баҳоладилар.

Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда, яширин овоз бериш йўли билан кенгаш раиси ва унинг ўринбосари сайлови ўтказилди. Сайфулло Аҳмедов Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерацияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси, Аброр Турсуналиев унинг ўринбосари лавозимига сайландилар.

– Бугун менга яна бир бор ишонч билдириш асноси катта масъулият ҳам юклатилди, – деди Сайфулло Аҳмедов. – Тошкент шаҳар кенгаши органлари таркибига сайланган фаоллар, қолаверса, барча пойтахт касабա уюшмалари аъзолари Янги Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнаши учун бор куч-ғайратимизни сафарбар этамиз.

Конференцияда кенгаш ва тафтиш комиссияси аъзолари, тафтиш комиссияси раиси, Тошкент шаҳар кенгашининг Ижроия қўмитаси аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерациясининг IX Қурултойига делегатлар, Федерация бош кенгаши таркибига вакиллар сайланди.

**Гўломжон МИРАХМЕДОВ**  
«ISHONCH»



QR кодни сканер қилинг ва мавзуга доир видеолар билан танишинг.

# ЕТАКЧИ ЯНГИ РЕЖАЛАР БИЛАН ИШ БОШЛАДИ

Қашқадарё вилоятда 616 минг 951 нафар ишчи-ҳодим касабա уюшмаларига бир-лашган. Бу рақамнинг ўзи тизим ходимларидан ҳар бир масалада масъулият билан фаолият юритишни талаб этади. Аъзоларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳар бир жамоада соғлом меҳнат муҳитини яратиш муҳим ва долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунинг учун эса касабա уюшмалари ходимлари фидойилик билан меҳнат қилаётгани ҳам бор гап.



Шу давргача бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларида вилоятда бошланғич касабա уюшма ташкилотлари, тармоқлар ва уларнинг туман-шаҳар бўлимлари раислари этиб сайланганларнинг 707 нафарини ёки 23,4 фоизи биринчи бор ушбу масъулиятли лавозимни зиммасига олди. Дастлаб вилоятдаги мавжуд 3027 та касабա уюшмаси ташкилотда, кейинчалик тармоқ касабա уюшмаларининг туман-шаҳар бўлимларида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференциялари куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилоти кенгашининг IX конференциясига уланди.

Конференция кун тартибига 9 та масала киритилди. Хусусан, кенгаш раисининг 2020-2025 йиллар давомида амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботи, тафтиш комиссиясининг ҳисоботи, Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилоти кенгаши раиси ва ўринбосарини сайлаш шулар жумласидандир.

Қашқадарё вилоти ҳокими Муротжон Азимов, Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерацияси раиси маслаҳатчиси, сенатор Хусан Эрматов конференцияда сўзга чиқиди. Жумладан, вилоят ҳокими Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан Шаҳрисабз туманида 30 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, «Гулнора» болалар соғломлаштириш оромгоҳи барпо этилганини, Қарши шаҳридаги «Янги Ўзбекистон» массивида 103 миллиард сўмлик сув спорти саройи қурилаётганини, Шаҳрисабз туманида 80 миллиард сўмлик санаторий қурилиши бошланши арасида эканини алоҳида таъкидлаб, ушбу улкан бунёдкорлик ишлари учун Федерация раҳбариятига ўз миннатдорчилигини билдирди.

Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилоти кенгаши раиси Бахтиёр Жураевнинг 2020-2025 йиллар давомида кенгаш томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи тингланди.

Таъкидландики, касабա уюшмалари афзалликларини тарғиб қилиш юзасидан амалга оширилган тизимли ишлар натижасида ҳисобот даврида 8204 та нодавлат секторига мансуб корхона, ташкилот ва муассасалар касабա уюшмасига жалб этилиб, уларда меҳнат қилаётган 166 минг 955 нафар ходим ҳимояга олинди.

Ҳисобот даврида корхона, ташкилот ва муассасаларда иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ишлари ҳам касабա уюшмаларининг дои-

мий эътиборида бўлди. Ушбу муҳим йўналишда вилоят кенгаши, тармоқ касабա уюшмалари томонидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида 2024 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида вилоят бўйича қарийб 5 миллиард сўм миқдорда ўз вақтида тўланмаган иш ҳақи тўлаб берилишига эришилди.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши бўйича 80 та ташкилотда жамоатчилик назорати олиб борилди. Бу жараёнда 904 та камчилик аниқлиб, 72 та кўрсатма киритилди ва камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисида ёзма маълумотлар олинди. Жамоатчилик назорати натижасида киритилган кўрсатмаларга асосан 27 минг 902 нафар ишчи-ҳодимнинг 60 миллиард 189 миллион 386 минг сўм иш ҳақлари ундириб берилди.

Вилоятдаги касабա уюшмаларига аъзо ташкилотларда ҳисобот даврида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар оқибатида жабрланганлар ва боқувчисини йўқотганлиги учун зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга шахсларга иш берувчилар ва касабա уюшмаси маблағларидан 328 миллион 462 минг сўм миқдорда моддий ёрдам ва қўшимча тўловлар берилган.

– Беш йиллик фаолиятни таҳлил этадиган бўлсак, бундай рақамларни кўплаб келтириш мумкин, – деди Бахтиёр Жураев. – Кам таъминланган оилаларнинг уй-жойини таъмирлаш, уларнинг соғлигини тиклаш, касба йўналтириш, «Аёллар дафтари»га рўйхатга олинган хотин-қизлар билан тизимли ишларни йўлга қўйишда вилоят кенгаши бор имкониятлардан фойдаланиб келмоқда.

– Ҳисоботни қониқарли деб баҳоладим. Сабоби, ўқитувчилар манфаатини ҳимоя қилиш, тарбиячиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишлари ўтган беш йиллик даврда белгиланган тартибда амалга оширилди, – деди Таълим ва фан ходимлари касабա уюшмаси Қарши шаҳар бўлиммаси кенгаши раиси Шерзод Йўлдошев.

Конференцияда делегатлар томонидан кенгаш раиси ва раиснинг ўринбосари лавозимларига 2 нафардан номзод таклиф этилди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда Бахтиёр Жураев раислиққа, Усқ Аҳмедов унинг ўринбосари лавозимига сайланди.

**Баҳодир ҲАЛИМОВ**  
«ISHONCH»

**2025 йил 3 июль. Бухоро шаҳрида Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерацияси Бухоро вилоти кенгашининг IX конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими, сенатор Ботир Зарипов, Федерация масъуллари, тармоқ касабա уюшмалари Республика кенгашлари ва ҳамкор ташкилотлардан вакиллар, бошланғич касабա уюшмалари раислари, делегатлар иштирок этди.**

Тадбир аввалида Бухоро вилоти ҳокими Ботир Зарипов сўзга чиқиб, мамлакатимизда олиб борилётган ислохотлар жараёнида касабա уюшмаларининг ўрнига алоҳида тўхталди. Сўнги саккиз йилда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳаларда амалга оширилган кенг қўламли ва тизимли ислохотлар натижасида Янги Ўзбекистон бренди шаклланиши таъкидлаб ўтди. Шу жараёнда касабա уюшмалари ҳам «Янги касабա уюшмалари» сифатида ижтимоий-иқтисодий тараққиётда муносиб ўрнига эга бўлиб бораётганини қайд этди.

– Бугун касабա уюшмалари меҳнат жамоаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, ходимларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашда муҳим ўрин тутмоқда. Шу боис, улар билан яқин ҳамкорликни

# МУҲИМ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

кучайтириш асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Хусусан, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, иш жойларида хавфсизликни таъминлаш, ходимларнинг соғломлашуви ва дам олиши учун шароит яратишда касабա уюшмалари билан ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга, – деди Ботир Зарипов.

Конференция кун тартибига мувофиқ, кенгаш раиси Муҳаммадқосим Олимов 2020-2025 йилларда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди. Унда сўнги беш йилда тизимда бажарилган муҳим ишлар таҳлил қилинди. Жумладан, жорий йилнинг 22 июнь куни фойдаланишга топширилган «Бухоро» дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳи болажонлар учун катта туҳфа бўлгани эътироф этилди.

Ҳисобот даврида 2 минг 594 та бошланғич ташкилотда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилиб, 167 минг 705 нафар иштирокчи қатнашгани, бошланғич ташкилот раисларининг 61,5 фоизини олий маълумотлилар, 72,2 фоизини 30–50 ёшдагилар, 50,7 фоизини аёллар ташкил этгани қайд этилди. Май-июнь ойларида вилоят, туман ва шаҳар бўлималари конференциялари ҳам юқори савияда ўтгани айтилди.

Айни пайтда вилоятда касабա уюшмалари аъзолари сони 442 минг



870 нафарни ташкил этиб, уларнинг 37 фоизи ёшлардир. Уларнинг 88 мингдан ортиги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилса, 45 минг 153 нафари олий ўқув юрти талабалари, 28 минг 580 нафари эса коллеж ва техникум ўқувчилари ҳисобланади.

2020-2025 йилларда вилоятда касабա уюшмалари ташаббуси билан 4 минг 125 та маданий-оммавий, дам олиш ва байрам тадбирлари ўтказилиб, уларда 278 мингдан зиёд киши, жумладан, 138 минг аёл ва 166 минг ёшлар иштирок этган.



Конференцияда меҳнат муҳофаза, ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, кам таъминланган ёш оилаларга ёрдам кўрсатиш, иқтидорли талабаларнинг шартнома тўловларини қоплаш, уй-жой қуриш ва товар харид қилиш учун фоизсиз ссудалар ажратиш йўналишларида бажарилган ишлар ҳам муҳокама қилинди. Жумладан, жамоа шартномалари орқали 37 минг 695 нафар ходим ва 13 минг 805 та оиллага 18 миллиард 930 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилгани таъкидланди.

Шундан сўнг ҳамкор ташкилотлар вакиллари – вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Ҳафиза Ортиқова, Ом-

будсманнинг вилоят минтақавий бўлими раҳбари Абира Хусейнова, Республика маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раиси Марҳабо Пардаева ва бошқалар сўзга чиқиб, касабա уюшмалари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик, амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар юзасидан ўз фикрларини билдирдилар. Кенгашининг ўтган даврдаги фаолияти қониқарли, деб баҳоланди.

Конференциянинг муҳим қисми – сайлов жараёни бўлиб, яширин овоз бериш йўли билан Федерациянинг Бухоро вилоти кенгаши раиси, унинг ўринбосарлари, тафтиш комиссияси раиси ва аъзолари, шунингдек, IX Қурултойга делегатлар сайланди. Натижаларга кўра, Муҳаммадқосим Олимов кўпчилик овоз билан Ўзбекистон касабա уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилоти кенгаши раиси этиб қайта сайланди.

Мазкур конференция Бухоро вилотида касабա уюшмалари тизимида сўнги беш йиллик фаолиятни танқидий таҳлил қилиш, ютуқларни баҳолаш ва келгуси стратегик вазифаларни белгилашда муҳим воқеа бўлди. Иштирокчиларнинг фикрича, касабա уюшмалари олдидаги асосий вазифа – ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб меҳнат шароитлари ва ҳаёт сифати таъминлини йўлида изчил ҳаракат қилишдан иборат.

**Дилдора ИБРОҲИМОВА**  
«ISHONCH»

Йўлнинг «гапирувчи» тили бу – йўл белгилари. Сизга ахборот беради, огоҳ этади, ўрни келганда эса буюради. Мана шу белгилар йўлларимиздаги хавфсизликни, барча йўл ҳаракати иштирокчилари ўртасида ўзаро тартибни таъминловчи муҳим восита ҳисобланади. Йўл белгиларининг халқаро миқёсда ўз стандартлари, белгиланган метёрлари, шакл-шамойили, ўрнатилган мезонлари мавжуд. Улар қанчалик аниқ, қанчалик ўз ўрни ва жойида қўйилган бўлса, ҳаракат хавфсизлигини шунчалик қатъий таъминлай олади.

Аммо бугун йўлларимизда ўрнатилган белгилар ҳақида шундай дея оламизми?..

Йўл чизиқлари светофорга 20-30 метр қолган жойдагина чизилади. Чунки камералар қайсибир ҳайдовчи «полоса» босишини пойлаб туради. Аҳоли пунктига кирганликни билдирувчи белги қанчалик хира тортиб, кўринмас даражага келиб қолса, шунча яхши, чунки ҳаял ўтмай келадиган радар ҳам кимнингдир қоида бузишини кутиб умид билан қўйилган, ахир! Гавжум вокзалга яқинлашиб, ҳатто кекса йўловчини туширишнинг ҳам иложи йўқ. Чунки зарур бўлса-бўлмаса «тўхташ мумкин эмас» деган белги, ундан сал нарида эса ИПХ ходими мунтазир бўлиб, сизни пойлаб туради. Пиёдалар ўтиш жойини билдирувчи чизиқлар эса хиралашиб қолганига йиллар бўлса-да ҳеч кимнинг эътиборини тортмайди. Чунки бунинг учун кимдир жаримага тортилмайдиган... Хуллас, йўлларимизда белгилар шунчалик устамонлик билан ўрнатилганки, баъзида улар чиндан ҳам йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун қўйилганми ёки жарима ишлаш учун – билолмай ҳайрон бўлади одам.

2025 йил апрель-май ойларида «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати томонидан мамлакат бўйлаб йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳолати ўрганилди. Расмийлар бераётган маълумотларга қараганда, йил бошидан 1 апрелга қадар республика бўйлаб 12 мингдан ортиқ янги йўл белгиси ўрнатилган. 56 та янги светофор қурилган, 13 та электрон ахборот таблолари жойлаштирилган.

**САНОҚСИЗ МУАММОЛАРДАН БИР ШИНГИЛ**

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу белгилар ва қурилмалар реал хавфсизликни кафолатлаётгани йўқ. Ўрганилган



# Йўллардаги йиллаб келаётган муаммоларга ким жавоб бериши керак?

14 та объектнинг техник ҳолати қониқарсиз, деб топилган, таъмирлаш ишлари эса қурилиш стандартларига зид амалга оширилган. Яъни, мавжуд белгилар ёки нотўғри жойлаштирилган, ёки ҳатто бутунлай кўринмайдиган ҳолатга тушган. Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ ва Паркент туманларида белгилар дарахтлар, светофорлар ёки бинолар ортига «яширилган». Белгининг ўзи бор, аммо у йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун эмас, жарима «ишлаб бериш»да кўпроқ наф келтиряпти, холос.

Айниқса, мактаблар, бозорлар ва аҳоли зич яшайдиган жойлардаги ҳолатлар хавотирли. 17 та жойда пиёдалар йўллари таъмирталаб ҳолатда ёки умуман сифатсиз қурилган. Марғилонда «Узумзор» маҳалласидаги пиёдалар кўприги асфальт қопламасидан маҳрум бўлиб, темир устунлари чирий бошлаган. Хоразм вилоятида режалаштирилган 42 километр тротуар-

нинг атиги 1 километри қурилган – қолгани эса қоғозда қолган «режалар», холос.

Болалар хавфсизлиги эса бутунлай эътибордан четда қолган. Ўрганилган 6 та ҳолатда мактаблар олдида тезликни чекловчи белгилар, «зебра» чизиқлари ва сунъий тўсиқлар йўқлигини фожия эфти.

**ТАХЛИЛЛАР ШУНИ КўРСАТМОҚДАКИ, БУ БЕЛГИЛАР ВА ҚУРИЛМАЛАР РЕАЛ ХАВФСИЗЛИКНИ КАФОЛАТЛАЁТГАНИ Йўқ. ЎРГАНИЛГАН 14 ТА ОБЪЕКТНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИ ҚОНИҚАРСИЗ ДЭБ ТОПИЛГАН, ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ЭСА ҚУРИЛИШ СТАНДАРТЛАРИГА ЗИД АМАЛГА ОШИРИЛГАН. Яъни, МАВЖУД БЕЛГИЛАР ЁКИ НОТўғРИ ЖОЙЛАШТИРИЛГАН, ЁКИ ҲАТТО БУТУНЛАЙ КўРИНМАЙДИГАН ҲОЛАТГА ТУШГАН. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЮқОРИ ЧИРЧИҚ ВА ПАРКЕНТ ТУМАНЛАРИДА БЕЛГИЛАР ДАРАХТЛАР, СВЕТОФОРЛАР ЁКИ БИНОЛАР ОРТИГА «ЯШИРИЛГАН». БЕЛГИНИНГ ўЗИ БОР, АММО У ЙўЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ УЧУН ЭМАС, ЖАРИМА «ИШЛАБ БЕРИШ»ДА КўПРОҚ НАФ КЕЛТИРЯПТИ, ХОЛОС.**

Ногиронлиги бўлган фуқаролар учун йўллар деярли тўсиққа айланган. Пиёдалар йўлларидаги бекатлар, ҳатто «зебра» чизиқлари ҳам уларнинг ҳаракати учун мослаштирилмаган. Бошқача айтганда, йўллар соғлом, тез ҳаракатланувчи одамлар учун, холос. Бу эса адолатсизликдан бошқа нарса эмас.

**ЖАРИМА ОЛУВЧИ АНИҚ, ТУЗАТУВЧИ ЭСА... НОМАЪЛУМ**

Мониторингга соҳанинг етакчи экспертлари ҳам жалб қилинган бўлиб, уларнинг фикрига кўра, муаммолар фақатгина кўзга кўринадиган нуқсонларда эмас – бутун тизимнинг ҳали-ҳамон эскича ишлаётгани, замон билан ҳамнафас эмаслигида.

Танқидий ўрганишлар якунига кўра, экспертлар томонидан бир қатор таклифлар айтилмоқда. Фақат ҳамма гап уларни амалиётга татбиқ эта олишда, чунки мамлакатимизнинг йўлсозлиги ва йўл ҳаракатини ташкил этиш масъулларидан буни кутиш жуда қийин.

**Йўл ҳаракати қоидалари ва метёрий ҳужжатлар:**

Амалдаги ҳужжатларда кўплаб хато ва манкикий зиддиятлар мавжуд. Жумла ва ифодалар мужмал ва тушуниш қийин. Бу эса қоидаларни нотўғри талқин қилишга сабаб бўлмоқда, амалда қўллашда муаммолар келтириб чиқармоқда.

**Белгилар кўп, лекин мантиқан асоссиз:** Кўплаб жойларда белгилар ортиқча, бир-бирини такрорловчи ёки умуман кераксиз. Масалан, «Тўхташ тақиқланган» белгиси ҳар 20 метрда қўйилгани – бу нафақат нотўғри, балки ҳайдовчиларни беихтиёр қоидабузарликка ундайди.

**ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ**

**Эски стандартлар:** Йўл белгиларини ўрнатиш, чизиқлар, светофорлар ва йўл қопламаларига оид ақсарият техник стандартлар 1986 йилда қабул қилинган. Булар ҳозирги кун талаблари, замонавий транспорт оқими ва халқаро амалиётга мос эмас.

**Жарималарда адолатсизлик:** Айрим қоидабузарликлар учун белгиланган жарималар жамиятга хавф солиш даражасига номуносиб ҳолда жуда юқори. Жарималардан тушган маблағларнинг сарфла-ниши етарлича шаффоф эмас.

**Таълим ва малака муаммоси:** Мактабларда йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш сифати паст. Уқитувчиларнинг малакаси етарли эмас. ИПХ ходимларининг баъзилари ҳам қонунчиликни тўлиқ билмайди.

**Ногиронлар ва болалар учун шароит йўқ:**

Йўллар, пиёдалар ўтиш жойлари, бекатлар ногиронлар ва болалар аравачалари билан ҳаракатланувчилар учун мослаштирилмаган. Айрим йўл участкалари кимнинг балансида экани ҳам номаълум – бу эса таъмирлашда сансоларлик ва масъулиятсизликка олиб келмоқда.

**Манфаатлар тўқнашуви хавфи:** Йўл чизиқларини чизиш ва белгиларини ўрнатиш учун масъул ташкилот ИИБ таркибда. Йўллар эса бошқа ташкилотга қарашли. Бу эса манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин.

Ҳа, бизда йўллар бор, лекин уларда хавфсиз юриш учун ўта эҳтиёткорлик ва бироз омад керак. Йўллардаги белгилар сон-саноксиз, шундай қўпки, айримларини топиб ўқиш учун энциклопедия керак. Уларнинг аксар қисми ё дарахт ортида, ё девор ичида, ё умуман манкиқсиз жойлашган. Болалар мактабга «омон борсам бўлди», деган ташвиш билан чиқишяпти уйдан, ногиронлар эса «йўл менга эмас экан», деб қайтиб кетишяпти.

Пиёдалар учун эса йўл экстремал спорт турига айланиб борапти. Энг кизиги, буларнинг ҳаммаси ўрганиб чиқилган, ҳаттолар тан олинган. Лекин уларни ким тузатади, қаердан бошланади, қайси мансабдор жавоб беради – бу саволлар ҳали-ҳамон жавобсиз қолмоқда.

Шаҳруза САТТОРОВА

«Oila va TABIAT» газетасининг 2025 йил 3 июлдаги сонидан



# УКРАИНА СУЯНГАН ТОҒИДАН АЙРИЛДИМИ?

## ЁХУД УРУШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ ВА КУЧЛАР МУВОЗНАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДА

**2025 йил июлининг дастлабки кунларида АҚШ Украина учун стратегик аҳамиятга эга қурол-яроғлар етказиб беришни вақтинча тўхтади. На матбуот анижумани бўлди, на оташин нутқлар. Ҳаммаси деярли одатдагидек ўтди: Пентагоннинг расмий баёноти, Оқ уйдаги қисқа брифинг, Европадаги иттифоқчиларнинг ноқулай сукути. Аммо айнан мана шу сукут ортида жиддий ҳавотир яшрин эди: Украинани қўллаб-қувватлаш даври ўз ниҳоясига етган кўринади. Энди уруш янги босқичга ўтди. Қуролли тўқнашууда сиёсий, ахлоқий ва фалсафий қадриятлар янада яққолроқ намоён бўла бошлади.**

«Биз ресурсларимизни глобал аҳамиятга эга масалаларга мувофиқ қайта тақсимлаётимиз», деди АҚШ Мудофаа вазирлиги вакили Жон Кирби. Ушбу дипломатик баёнот ортида Ҳарбининг хавфсизлик пойдеворини титратиб юборадиган тахдид бор.

Мазкур қарор АҚШнинг Украина – Россия мождаросидан чарчаганини аналтади. Украинага қўрсатилган ҳарбий ёрдам ҳажми 140 миллиард доллардан ошиб кетди. Салкам уч йил давомида Вашингтон минглаб техника, миллионлаб снаряд ва ўнлаб ҳаво мудофаа тизимларини етказиб берди. Бирок ҳарбий санаот қуввати чекланган. «Raytheon» ва «Lockheed Martin» компаниялари имкониятлари чегарасида ишлаяпти. Янги бюртмалар учун ойлаб навбат кулиш керак. Сиёсий манзара эса янада мураккаб. Конгрессда изоляционистлар босими кучаймоқда. Уларнинг фикрича, Украинага ёрдам солиқ тўловчилар пулини қўқча совириш билан баробар.

«Вашингтон дунё ҳақами бўлиб қолиши истади, аммо энди буни уддалаш қийин. Украинага ёрдам стратегия эмас, балки ниҳоятда катта исрофгарчиликка айланиб борапти», дейди сиёсатшунос Жон Миршаймер.

Дарҳақиқат, Америка устувор деб билган йўналишлар ўзгарган. Тайвань, Яқин Шарқ, Эрон ва ички сиёсий кутбланиш... У бир вақтнинг ўзида шунча фронтни ушлаб тура олмади. Украина эса энди дунёнинг диққат маркази эмас, балки янги жаҳон тақсимооти шароитида елкадаги оғир юкка айланиб борапти. АҚШнинг мазкур қарори Киевни эсанкиратиб қўйгани рост. Зеро, қурол-яроғ таъминоти мудофаа имконияти билан бир қаторда халқаро қўллаб-қувватлов рамизи ҳам эди. Украина бу рамаздан маҳрум бўлса, элита, армия ва жамиятнинг руҳий емирилиши тезлашади.

«Биз ҳатто ёлғиз қолсак ҳам, курашни давом эттираемиз. Лекин дунё биллиб қўйсинки, ёрдамни тўхташ – босқинчи учун имконият бериш дегани», деди Владимир Зеленский миллатта қилган муурожаатида.

Фронтда вазият танг. Россия қўшинлари Авдеевка ва Часов Яр йўналишларида босқинча-босқин илгарилаяпти. Жанговар дронлар, юқори аниқликка эга ракеталар қўлланилмоқда. Украина армияси артиллерия билан жавоб қайтармоқда, бироқ унинг захираси тобора қисқариб борапти. «BAE Systems»нинг маълумотларига кўра, Украина армияси кунига 8000 та снаряд ишлатяпти, лекин етказиб берилётган миқдор кунига 2000 тадан ошмаяпти.

Олександр Разумков номдаги Украина иқтисодий ва сиёсий тадқиқотлар марказининг сўровига кўра, украинликларнинг деярли тенг ярми Ҳарбининг

фаол ёрдамисиз маглубиятга учраймиз, деган фикрда. Бу қарамлик ҳисси қаршиликнинг маънавий пойдеворини секин-аста емирмоқда.

Ана шундай бир шароитда Москва вазиятни совуқ ва қаттиқ ирода билан кузатмоқда. Ҳужумлар шовилмасдан, бироқ тизимли равишда олиб борилмоқда. Яқинда Доброполье яқинидаги литий конлари эгалланди. Бу оддий тактик ютуқ эмас, балки стратегик манба – аккумуляторлар, дронлар ва ПВО тизимлари учун зарур ресурс ҳисобланади.

«Биз шошиллаётганимиз йўқ. Биз ўзимизга ишонамиз. Уруш фақат фронт эмас, балки вақт ва ирода уйинидир», дейди Россия президенти Владимир Путин. Кремлга яқин ҳарбий тахтилчилар фикрича, Украинада ресурслар тугапти, Ҳарбда – сабр. Россияда эса ҳар иккаласи ҳам бор.

Европада эса маънавий қарздорлик ҳисси ортиб борапти. Франция, Германия, Польша, Болтиқ бўйи давлатлари қаттиқ ташвишда, аммо АҚШнинг ролини ўз зиммасига олишга ҳеч бири тайёр эмас. Президент Эммануэль Макрон «Европа армияси» ҳақида гапирётган бўлса-да, Франциянинг ёлғиз ўзида Украинага ёрдам бериш учун етарли қурол-яроғ йўқлигини, ҳатто, унинг мудофаа вазирлиги Себастьян Лекорню ҳам тан оляпти. Қолаверса, Европа Иттифоқи Украина маглубиятидангина эмас, балки ички парчаланнишдан ҳам хавотирда. Чунки Европада ўнг партияларнинг тобора оммалашиб бораётгани сайловчиларнинг «ҳамжиҳатлик мафураси»дан безганини кўрсатиб турибди.

Турган гап, кунга кеча Дональд Трамп ва Владимир Путин ўртасида бир соатдан зиёд давом этган телефон орқали суҳбат ҳам европалик сиёсатчиларнинг хавотирларини янада оширди. Россия президенти ёрдамчиси Юрий Ушаковнинг маълум қилишича, бу – Трамп Оқ уйга қайтганидан бери бўлиб ўтган оптикчи мулоқот.

«Президентимиз Россия ҳозирги тўқнашувага олиб келган барчага маълум асосий сабабларни бартараф этишга ҳаракат қилишни баён этди», деди Ушаков. Унинг фикрича, Москва музокараларга тайёр, аммо ўз мақсадларидан асло чекинмайди.

Бу сўзлардан ҳозирги Россия сиёсатини белгилувчи усурни қўйиб олиш қийин эмас. Яъни, бир қадам ҳам орта чекиниш йўқ, эгаллаб олинган ерлардан воз кечиш йўқ. Аммо музокараларга ҳаммиша тайёр. Бу бир-бирини инкор этади-

ган тушунчалар эмас. Бу – 2025 йил геосиёсати: уруш – мулоқотнинг давоми, музокаралар – унинг танлафууси. Суҳбат чоғида Трамп ўз услубида яна «мождарони тезда яқунлаш» кераклигини таъкидлади. Лекин бу гап ҳеч қандай ультиматум қўймади, аниқ режа таклиф этмади. Гўёки музокарага, келишувга ишора қилгандек бўлди, холос.

Ушбу мулоқот Европадаги иттифоқчилар ва АҚШ сиёсий доираларида «Америка ўз стратегиясини қайта кўриб чиқмоқчимиз ёки бу – Киев ва Брюсселга босим ўтказиш воситасими», деган жиддий саволлар уйотгани рост. Назаримизда, ҳар икки тахминда ҳам жон бор. АҚШнинг айни шарт-шароитларда Украина – Россия урушидан дивиденд олиши хомхалдан бошқа нарса эмас. «Украина лойиҳаси» ўз аҳамиятини йўқотяпти. АҚШ кун тартибидан ундан-дан муҳимроқ масалалар турибди.

Жанговар ҳаракатлар акс этган ҳаритага қаралса, Россия қўшинларининг анча фаоллашганини кўриш мумкин. Украинадаги «DeerState» лойиҳаси маълумотига кўра, 2025 йилнинг июнида Россия қўшинлари 500 квадрат километрдан ортиқ ҳудудни эгаллаган. Бу – йил бошидан буён энг катта кўрсаткич. Энг катта илгарилаш Новопавлоск, Покровск ва Суми йўналишларида кузатиляпти.

Россия қўшини бора-бора енгил техника – мотоцикллар, квадроцикллар, дронлардан кўпроқ фойдаланилмоқда, бронетехникалар эса камроқ ишлатилимоқда. Йўқотишлар ва эгалланган ҳудудлар нисбати Москва фойдасига ўзгармоқда. Бу эса тактик мослашув муваффақиятли кечаётганини аналтади.

Ана шундай бир вазиятда Путиннинг «мақсадлардан чекинмаслик» ҳақидаги сўзлари баландпарвоз шior эмас, балки стратегик дастур сифатида эшитилляпти. Россия ташаббусни ўз қўлига олган ва шу йўсинда давом этиш кераклиги ҳақидаги сиёсий сигналларни оляпти. АҚШ сукут сақлаётган, Европа ик-

килиниб турган бир вақтда Москва нафақат фронтда, балки дипломатик уйинларда ҳам ўз мавқеини тобора мустаҳкамляпти. Зеро, битта телефон кўнгириги мингта артиллерия зарбасидан ҳам кўпроқ нарсани аналтиши мумкин. Қўшма Штатлар ва Россия етакчилари ўртасидаги суҳбатда қурол етказиб бериш масаласи муҳокама қилинмагани, қолаверса, навбатдаги музокара раунди учун аниқ сана белгиланмагани асосий мавзу уруш эмас, балки унинг баҳоси эканини янада оидинлаштирди. Бу – тинчлик баҳоси. Украина давлат сифатида қолиши мумкин, аммо мустақил давлат бўлиб эмас. Россия эса рус аскарлари оёғи етган ҳудудларни ўз назоратида сақлаб қолади. АҚШ ва Европа эса дунёга «кон тўкилишини тўхтади», деб эълон қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Баъзи сиёсатшунослар бу сценарийни аллақачон «янги Ялта» деб аташ бошлашди. Уруш оловини ёққанлардан бири – Байден сиёсат саҳнаси томошабинига айланди. Трамп яна саҳнада. Путин эса ҳаузу Россиянинг янги сиёсий тарихини ёзаяпти. Бир пайтлар барчани ларзага солган Украина уруши эса бугун янгилик эмас. У қўндалик воқеликка айланиб ултурди. Ваҳоланки, ҳар қандай урушга қўнчили инсонийликдан воз кечишни бошланшидир. Энг катта тахдид – бефарқлик, урушни «одатий сиёсий ҳолат» сифатида қабул қилиш, қадриятлар ўрнини стратегик манфаатлар эгаллаши. Ва энг даҳшатлиси, ҳар бир геосиёсий қарор, ҳар бир ҳарбий ҳаракат ортида инсонлар борлигини унуттириш.

Ҳа, биз ўта тахликали замонда яшаймиз. Келажак мана шу онларда ҳал бўляпти. Агар урушлар келишувлардан, манфаатлар ақл ва инсофдан кучли бўлса, натажани тахмин қилиш қийин эмас: заифлар – қурбон, кучлилар ғолиб бўлади, ҳақиқат сукутга чўмади.

Жаҳонгир НАҲАНОВ «ISHONCH»

**ХАЛҚАРО ШАРҲ**

■ ЁНДАФТАРДАН

ЎЗИМ УЧУН ҚАЙДЛАР

Бир одатим бор: китоб ўқиганимда, устозлардан ибратли ҳикоятлар эшитганимда, ижодкор зиёлиларнинг эл-юрт кўз ўнгига кечаётган ҳаётлари ҳақида ўйлаганимда, менга янгилик бўлиб туюлган, ҳайратимни оширган фикрлар, улуғларнинг айтимлари, ҳаётий хулосалар, одатий ва ноодатий мушоҳадаларни ёндафтаримга қайд қилиб бораман. Ўзим учун шундай қиламан. Зарур бир юмуш ёдимдан чиқиши мумкин, аммо кундаликка бир нималарни қоралаб қўйишни ҳеч қачон қилмайман. Бугун эса негадир уларни ўқирманларга ҳам улашим келди. Шу аснода қатрларни сиз билан бирга тенгма-тенг мутолаа қилгим, ҳаётинг турфа ҳолатларини бирга идрок этгим, баъзи ўринларда ғойибона бахсга киришим келди.

дудда яшашарди. Қишлоқни шаҳардан қояли тош ажратиб турарди. Беморни шаҳарга олиб бориш учун узоқ айланши керак эди. Афсуски, узоқ ва машаққатли йўлга бемор дош беролмайди, вафот этади. Бундан қаттиқ изтиробга тушган эр ўзини айбор ҳис қилади ва қўлига оддий чўкич олиб, қояли тошни тешиб, йўл ўтказишга киришади. Роса 22 йил деганда минг машаққат билан қаттиқ жинсли тоғни майдалаб, ниятига етади. Шаҳар ва қишлоқни ўзаро боғлайдиган эни 10, узунлиги 110, чуқурлиги салкам 8 метрли йўл пайдо бўлади. Қишлоқ ва шу яқин атрофда шаҳарча орасидаги 70 километрдан 15 километрга қисқаради. Узоқ йиллар давомида одамлар ундан фойдаланади. 2011 йили

маҳаллий ҳукумат йўлга асфальт ётқизади. Дашрат тошйўнар эпур юрта «Тоғни енгган инсон» номи билан машҳур бўлади. У билан суҳбатлашган муҳбирга бу матонатли инсон шундай дейди: «Иккита оддий чўкич билан тоғни йўлини бошлаганимда ҳамқишлоқларим «Бечора, хотини ўлиб, жинни бўлиб қолди», деб мени роса масҳарга қилишди. Ишим юришиб кетган, улар устимдан кулишни тўхтатиб, менга егулик ва зарур қурол-аслаҳалар олиб кела бошлади...».

2015 йили ҳиндистонлик таниқли режиссёр Кетан Меҳта Дашрат Манжи ҳақида фильм суратга олади. «Манжи» деб аталган бу асар премьераси 2015 йил 21 август кунини ўтказилади. Фильм бир йилда 2,2 миллион доллар даромад келтирди.

ИККИ ЦЕЗАР

Тарих ҳамиша ҳаққоний ёзилиши керак. Франциянинг Ўзбекистондаги биринчи элчиси Жан Пол Везиан: «Тарих воқеалари ҳеч қачон ўзгармайди, фақат... вақти билан унга нисбатан муносабат ўзгариши мумкин», деган эди.

Тарихчи Светонийнинг «История восьми Цезарей» («Саккиз Цезарь тарихи») тадқиқот китобида бу машҳур саркарданнинг эътиборга молик кўп жасоратли ишлари, ҳарбий ғалабалари ҳақидаги маълумотлар батафсил келтирилган: «Цезарь сиёсий ва ҳарбий соҳадан ташқари, яхшигина адабиётчи ҳам бўлган. Латин тилини ўрганувчилар учун ёзган қўлланмиси-

нинг тили содда ва раван. Рим империяси ҳудудини Шимолий Атлантикага кенгайтирган, ҳозирги Франция ҳудудини ўзига бўйсундирган. Бир вақтнинг ўзига ўқиган, ёзган ва тинглаган. Қўллаб кутубхоналар ташкил этган. Жиноятчиларнинг фарзандларини ишга олган. Қўлларга озодлик берган, календарни, судлов тизimini ислоҳ қилган. Цезарь ҳукмронлиги пайтида Римда яшаб, тиббиёт билан шуғулланган кишилар ва санъат соҳаси ходимлари фуқароликка қабул қилинган. Йигирма тўрт мингдан ортиқ римликларга зиёфат уюштириб, уларни ноёб балиқ таомлари билан сыйлаган...».

Китобда, шунингдек, Цезарь ҳаёти ва фаолиятининг «иккинчи томони»га ҳам ўрин берилган: «Ҳукмдор қимматбах оқимий киши, тилга тақинчоқлар тақиш фақат аслзодаларга хос, деб одамлар қайси кунга, қайси ёшда қандай кийинишини ўзи белгиланган. Қимматбах тошлар ва идишлар йиғишни ёқтирган. Чиройли кулларни сотиб олган. Денгиз жанглик ўтказиш учун йиллар давомида неча минг-минг киши мислсиз машаққат билан қазиб, сувга тўлдирган кўлни қуриштириб, тупроқ билан текислаб юборган. Атрофдаги юқори мартабали мулозимларнинг аёллари билан ишқий муносабатда бўлишни оддий бир ҳол, деб ҳисоблаган, одамлар орасида: «Хотининг яшир, кал хотинбош келмоқда», деган гап тарқаган. Унинг ўзи «Ҳукмдор (яъни Юлий Цезарь) хоҳлаганича хотин олишга, кимнинг хотини бўлишидан қатъи назар, унга ҳам уйланишга ҳақли», деган қонун лойиҳасини тайёрлаб, кучга киритган».

АНДАЛУЗИЯ ТАНАЗУЛИ

Неча асрлар давомида гуллаб-яшнаган, илм-фан равнақ толган Андалузия нега таназзулга юз тутди?

Исмоилбек Гаспирали бу саволга ғоят таъсирчан жавоб беради: «Инсон иши, инсон тартиби ҳеч қачон боқий бўлмайди. Чунки борлиқ ва йўқлик, тараққиёт ва таназзул сабаб-

лари ўз ичимизда. Талафотимизга сабаб бўлган оғу ва заҳар ҳам, жони саодатимизга сабаб бўлган қувваи маънавия ҳам вужудимиздадир. Тўғрилиқ ва нафсоният, ҳаққоният ва зулм, марҳамат ва гаддорлик, танбаллик ва ғайрат, илмга муҳаббат ва жаҳолатга майл, мардлик ва оқчоқлик, баҳодирлик ва қўрқоқлик – барчаси инсонга хос. Шундайки, ушбу ҳолларнинг қай бири ғолиб келса, жамияти башария ана шунга мувофиқ тартиби маишат қилади... Инсонлар ҳусн ахлоқли, ҳуш қилиқли бўлсалар, жамият ва ҳаётлари давомли бўлиб, тараққий этар, саломат ва саодатли бўлувлар. Ақс ҳолда, ичидан чириган олмадек, бир-бир тўкилиб, инқироз ҳолатига тушади. Уч юз йил қамолли шухрат ва ном ила салтанат қилиб, Андалузия давлати охири-оқибат бошқа йўлга юз тутди. Афқорлар, одатлар ва ҳиссиётлар ўзгара бошлади. Танбаллик, қайғусизлик, кибр, тафриқа (бўлиниш, парчаланиш) илон оғуси каби, вужуди давлат ва миллатни чирита бошлади. «Ҳолсизланмиш даракда соғ меза бўлмас» деганларидай, адолатсиз қишлоқ, порохар волийлар, ақли ноқис ва ғайратсиз ҳукмдорлар келиб, фитнабозлар – уламога, ширин ёлгон сўйловчилар – содиқ бандаларга, нафсоният ва манфаати шахсия – фаовиди умидияда, риёбозлик ва намоийш учун ўқилган номозлар амали хайрияга ва миллатпарварликка ғолиб келди. Бу заҳар икки юз йил Андалузининг вужудини кемириб, хароб қилди. Бир давлат уч-тўрт қисмага бўлиниб, бир-бирларига иддоа билан уруш йўлига ўтдилар... Мусулмонлар орасида пайдо бўлган иттифоқсизлик ва фасоддан фойдаланиб, ўша пайтга қадар мағлуб ва ночор бўлиб келган Кастилия насронийларнинг ҳукмдори Фердинанд Андалузиянинг ички ишларига аралашиб, ўлка инқирозини тезлаштириб юборди...».

Тарихнинг бу аччиқ сабогини унутмаслик керак.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ҚАДИМ ХАЗИНАНИНГ ТОПИЛИШИ

Яхши китоб – хазина. Баъзан қўлингизга ноёб китоб тушиб қолганида хазина топгандек суюниб кетишингиз ҳам шундан. Мен ҳам болалигимдан китоб мутолаасига берилганим, шахсий кутубхонамда анча-мунча китоблар йиғилиб қолгани боис, бундай ҳолатларга кўп бор дуч келганман.

Ҳозир сизга нодир хазина кашфиёти билан боғлиқ бир воқеани айтиб бермоқчиман. Бу Маҳмуд Кошғарий қаламига мансуб «Девону луғотит-турк» асарининг бугун Истанбул шаҳрида сақланаётган ягона нусхаси ҳақидаги ҳикоятдир.

Алқисса, ҳикоятимиз қахрамони Али Амирий исми йиғит. У 1857 йили Туркиянинг Дийрбакр шаҳрида тавалуд толган. Мутолаага меҳри банд бўлган бу йиғитнинг «хобби»си китоб йиғиши эди. Тез орада унинг кутубхонасидаги китоблар сони 10 мингдан ортиб кетди. Аммо Али Амирий бамисоли буюк хазинани излаётгандай, бу юмушдан чекинмайди. Ҳаётининг асл маъносини шу ишда кўради.

Бир кун у китоблар сотиладиган растанлардан бирида, ўзи билмаган ҳолда, «Девону луғотит-турк» китобини 33 лирага сотиб олади.

Кейинчалик, бу янгиликдан кўп хабардор бўлади. Улар Али Амирийдан ушбу китобни катта пул эвазига сотиб олишга ҳаракат қилишади. Аммо у бунга кўнмайди. Ҳикоя қилишларича, бу ноёб топилмадан хабар топган венгриялик бир элчи Али Амирийга нақд 10 минг олтин танга таклиф этади. Франциядан келган бир олим эса Парижнинг қоқ марказида қурилган ҳашаматли саройини ваъда қилади. Аммо Али Амирий ҳар иккала таклифга ҳам рад жавобини бериб, «Мен миллатнинг ноёб хазинасини пулга сотмайман», дейди. Ҳукумат унга 300 олтин танга жуънатганда эса, бу пулни очнаҳор яшаётган фуқароларга бўлиб бериш кераклигини айтади.

Тарихда бундай ибратли мисоллар кўп. Мирзо Улунбекнинг садоқатли шогирди Али Қўшчи устози тўплаган ноёб китобларни жоҳиллардан сақлаб қолиш учун не қуйларга тушганини яхши билмиш. Мавлоно Жалолиддин Румий дафн этилган Кўна шаҳрида китоб савдоси билан шуғулланувчи, ноёб асарларни йиғувчи бир кишига одамлар турли шаҳарлардан қолларда китоблар олиб келишар экан. «Мен қолларнинг оғзини очётганимда, ажабо, бу гал қандай китоблар олиб келишди экан-а?» дея худди келиннинг юзини очётган кувёдек ҳаяжонланар эдим», дер экан шу саҳҳоб.

Шундай. Ноёб китоб – тенгсиз хазина. Унинг қалити эса мутолаада. Ким билсин, ҳали қанча хазина ўз эгасини кутиб ётган экан?

ТОҒНИ ЕНГАН ОДАМ

2016 йили Ҳиндистонда

Д а ш р а т М а н ж и исми кўпчиликка таниш бўлмаган кекса бир кишининг сурати тасвирланган почта маркаси чиқарилади ва бу воқеа кутулмаган шов-шувга сабаб бўлади. У 22 йил давомида кўп кучи ёрдамида тоғни йўниб, қишлоғига йўл очган оддий инсон эди.

Воқеа 1959 йили бошланади. Ушанда 25 ёшли Дашратнинг хотини даргда чалиниб, шифокорлар кўмагига муҳтож бўлиб қолади. Улар Биҳар штатидаги Гая шаҳри яқинида, тоғли ху-

ҲЕЧ ҚАЧОН НОУМИД БЎЛМАНГ!

Ўзбек аёлининг мўъжизалар ҳақидаги китоби халқаро нашриёт томонидан чоп этилди

«Ishonch» газетаси муҳбири Дилдора Иброҳимованинг «Фарзандталаб юрак: Интизорлик ва мўъжиза» («The Child-Seeking Heart: Waiting and the Miracle») номли китоби АҚШ, Канада, Ҳиндистон каби давлатларда фаолият юритувчи «Ukiyoto Publishing» халқаро нашриётида чоп этилди.

Муаллифининг шахсий тажрибалари ва ҳикоялари асосида ёзилган бу китоб фарзандсизлик азобини бошидан кечираётган жуфтликлар учун маънавий таскин ва руҳий қувват манбаи бўлади. Унда тиббий фанлардан ташқари, узоқ интизорлик даврида керак бўладиган руҳий шифо, сабр ва ич-ичидан куч топиш ҳақида сўз боради.

Китоб бир аёлнинг ўн йиллик интизорлиги, кўнглидаги умиди, тўққан яширин кўз ёшлари ва ниҳоят топган мўъжизаси ҳақида. Китоб шунчаки хотира ёки маслаҳатлар тўплами эмас – бу фарзанд учун курашган, ишонган, Аллоҳнинг иноятига сазовор бўлган юракнинг ҳикояси. У бепуштлиқдан азият кечаётган ҳар бир аёлга, сабр ва дуо қилган, қалбида умидни асраганларга бағишланади. Китобда айтилганидек, мўъжизалар бўлади, фақат унга ишонши керак.

«Буеунги кунда жамиятимизда бепуштлиқ ва икчамлик бепуштлиқ каби

мураккаб хасталиқлар тобора кўп учраётгани ачинарли ҳолат, – деб ёзади китобнинг муқаддима қисмида муаллиф. – Бу дард нафақат шахсий қайғу, балки бутун оиланинг парокандалигига олиб келувчи оғир синодир. Ана шу эҳтиёж тўғрисида юртимизда турли тиббий марказлар, хусусий клиникалар, ЭКУ (экстракорпорал уруғлантириш) каби замонавий муолажалар билан шуғулланувчи муассасалар фаолияти кенаяиб бормоқда.

Айниқса, ЭКУ муолажаси фарзанд талаби йўлида охири имконият сифатида кўрилоқда. Бирок, барча илм-фан ютуқларига қарамай, бу муолажа ҳам юз фоиз қарғолат бермайди. Чунки натижа Аллоҳнинг амри, хоҳиши ва ихтиёрига боғлиқ. Шундай десак-да, бепуштлиқ азобида яшаб келаётган оилалар учун бу таскин ҳар доим етарли бўлавермайди. Улар учун ишончлироқ йўл – мутахассисга мурожаат қилиш, замонавий тиббиётдан умид қутуш бўлиб қолимоқда. Фарзандсизлик азобини мен ҳам ўн

йил давомида муттасил ҳис қилганман. Ўн йиллик интизорлик, ҳар ой юрак титратар кутушлар, натижасиз муваззаълар, кўз ёшга тўлган тунлар... Мен ҳам фиғони фалакка чиққан, ёстиққа дардини айтиб, кўзлари йўлда қолган инсонлар сафида бўлганман. Ҳар гал янгилик сифатида эшитилган «фалонинг келин оғирроқ экан» деган гаплар қалбимни тилиб ўтарди. Бу оғриқни фақат уни бошидан ўтказгангина ҳис қилади».

Мана шундай туйғу-кечинмалар Дилдора Иброҳимовани ушбу қўлланмани ёзишга ундади. Зотан, табиб – табиб эмас, бошидан ўтказган – табиб, дейди халқимиз.

– Ҳар қандай тўфондан сўнс омон очилади, ҳар қандай тундан сўнг тоғи отади. Шундай экан, ҳеч қачон ноумид бўлманг, – дея мурожаат қилади муаллиф китобида ўз ўқувчиларига, – Аллоҳнинг раҳмати кенг, кўдрати беқиёс. Сиз ҳам ўз бахтингизга, насибанингизга эҳтишасиз, ишангилар. Фақат ишонинг, ҳаракат қилинг ва сабр билан интизорликни ибодатга айлантириш! Ушбу китобимда сизга мана шу оғриқни енгиш йў-



Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Азамат Шарипов ижросида «Кўхна дунё» кўшиғи

Менга нур бер, толмасин қуёш, Ва самимий севимдан кўзёш, Юрагимга отаверма тош, Меҳмонингман кўхна дунё.

■ МУТОЛАА

лида менга ёрдам берган қондалар, ишонч ва умид манбалари ҳақида сўзлаб бераман. Истасангиз, қондаларимга сиз ҳам амал қилиб кўринг, эҳтимом шу сабаб Аллоҳни кўчогинаизни фарзанд неъматини билан тўлдирса, ишангилар!

Китобда ўқувчи таъсири ҳикоялар, ривоятлар ўқийди. Ва дунёда инсон моҳиятини англаб етолмайдиган илоҳий мўъжизалар борлигига ишончи ортади. Зеро, китоб муаллифининг ҳаётида ана шундай илоҳий мўъжиза юз берган ва у шунинг учун ҳам буни бошқаларга кечинмалари, ишончли, табиий воқелиқлар орқали етказишга интиланган. Муаллиф чин ихлос билан ҳаракат қилинса, ушбу мўъжиза бошқа фарзандталабларнинг ҳаётида ҳам юз беришига катта ишонч билдиради. Китобда, шунингдек, бепуштлиқ муаммосининг дунё миқёсидаги кўлами, жаҳон соғлиқни сақлаш тизимида унга қарши қўрилаётган чоралар, тадқиқот хулосалари ва замонавий даволash технологиялари ҳақида ҳам сўз боради. Бир сўз билан айтганда, китоб ушбу муаммо билан рўбарў бўлган ўқувчига нафақат шахсий тажриба, таскин ва умид беради, балки муаммонинг қанчалик долзарблигини, у инсоннинг болалик руҳий травмалари билан қандай боғлиқлигини ҳам таҳлил қилади. Бу борадаги билим ва хабардорлигимизни ошириб, ўқувчини ўзи ва ақиллари саломатлигига эътиборсиз бўлмастикка ундайди.

Ҳамкасбимизга бошқаларнинг дардини енгилатишга, ечим топишга ва психологик далда бўлишга чорловчи янги китоб муборак бўлсин! Ҳар бир юракнинг тилақлари, фарзанд талабида ишонч ва умид билан қилган дуолари ижобат бўлсин!

Зебо НАМОЗОВА «ISHONCH»

■ КИТОБ САҲИФАЛАРИДАН

УМИД

Бир аёл Аллоҳнинг Расули Мусо алайҳиссалом хузурларига келиб, илтимос қилди:

– Эй Аллоҳнинг Набийси, Роббингизга дуо қилинг. Қалбимни шодликка тўлдирадиган, солиҳ фарзанд насиб қилсин менга. Мусо алайҳиссалом дуо қилдилар. Роббиси жавоб қилди: – Мен уни «ақийм» – туғмас деб ёзиб қўйдим. Мусо алайҳиссалом бу жавобни аёлга етказди. Аёл боши эзик ҳолда қайтиб келди...

Бир йил ўтди. Аёл яна келди. Умид билан: – Эй Аллоҳнинг Набийси, яна дуо қилинг. Балки Роббим инъом қилар, – деди.

Мусо алайҳиссалом яна дуо қилдилар. Яна: – У ақийм. Тақдирда шундай ёзилган, – деган жавоб келди. Вақт ўтди. Қўнлар ўтди. Бир кун Мусо алайҳиссалом ўша аёлни қўлида қамақ билан қўрди.

– Бу бола қим? – деб сўради ҳайрат ичиди. Аёл: – Бу менинг ўғлим, – деб жавоб берди. Мусо алайҳиссалом ҳайратда қолиб, Роббидан сўради: – Эй Роббим, Сен уни «ақийм» деб ёзгандинг. Қандай қилиб унда фарзанд бўлди?

Аллоҳ таоло марҳамат қилди: – Ҳа, ҳар сафар «Ақийм» деганимда, у «Роҳийм» дерди. Бас, Раҳматим қудратимдан устун келди. ХУЛОСА: ҳар қандай ноилложликда, ҳатто «туғмас» деб ёзилган тақдирда ҳам, Аллоҳнинг раҳмати чекланмади. Сабр ва ишонч – мўъжизанинг қалити. Ишонган юрак дуоси қачон қабул бўлишини билмас, лекин умид билан дуода яшайверади.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши жамоаси Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Риштон тумани кенгаши бош бухгалтерни Дониёржон Ҳасанбоевич Ниязовга волидаси **Онахон Юсулайевна НИЯЗОВА (Бекназарова)** вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSEYANI (Mas'ul kotib - «Ishonch-Doverie») Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43 Marketing va obuna - (71) 256-87-73 Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpoq'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati - (+998-99) 500-05-12 Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati - (+998-93) 213-09-66 Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati - (+998-99) 379-19-70 Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati - (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Gulomjon MIRAHMEDOV Musahhih: Umida XUDOYBERGANOVA Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV Bosilgiga topshirilish vaqt - 22:00 Topshirildi - 22:50 Bahosi keshilgan narxda: Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz Nashr ko'rsatkichi: 133 Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 083 ta Shunday: 6 086 nusxa «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 18 116 nusxa «Erudit» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 881 nusxa «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabloq. Buyurtma: 323 1 3 4 5 6